“КЕЛИШИЛГАН”
(Давлат шериги)
Тошкент шаҳар транспорт
бошқармаси бошлиғи
__________ (А.З.Джураев)
М.Ў.
“____” “____” 2021 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
(Хусусий шерик)
“KASY PARK” МЧЖ
директори
_______ ( С.А.Султонходжаев)
М.Ў.
“ 16 ” “ 06 ” 2021 йил

## ДХШ лойиҳасининг концепцияси

### I. Лойиҳа тавсифи

| | |
|---|---|
| Лойиҳа номи: | Тошкент шаҳрининг 10 та кўчасида давлат-хусусий шерикчилиги асосида автомобилларнинг йўл бўйи пуллик тўхташ жойлар тизимини яратиш |
| Тармоқ тури: | Транспорт |
| Лойиҳа тури: | Шаҳар кўчаларида автомобилларнинг йўл бўйи пуллик тўхташ жойлари тизимини яратиш |
| Хусусий шерик томонидан бажариладиган иш ҳажми | Тошкент шаҳрининг марказий 10 та кўчасида 2251 дона автотранспорт воситаларини жойлаштириш қувватига эга бўлган автомобилларнинг йўл бўйи пуллик тўхташ жойлари тизимини барпо қилиш, Бунда:<br>Тизимнинг самарали ишлаши учун махсус электрон платформа (веб дастур ва мобиль дастурий таъминот) яратилади;<br>тўловларни амалга ошириш учун 60 дона паркоматлар ўрнатилади;<br>10 та доимий мониторинг олиб бориш учун планшетлар ва 2 дона махсус жихозланган автотранспорт воситалари харид қилинади;<br>Жами 42 янги иш ўринлари яратилади (назоратчилар, ҳайдовчилар, операторлар ва б.);<br>йўл бўйи автомобилларнинг пуллик тўхташ жойларида автомобилларни тартибли жойлаштириш учун қатнов қисмига йўл чизиқлари чизилиб, йўл белгилари ҳамда пуллик тўхташ жойи хизматлари жорий этилган жойга кириб келаётганлиги ҳақидаги ахборот белгилари ўрнатилади |
| Давлат шеригини номи | Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Тошкент шаҳар транспорт бошқармаси |
| Лойиҳа амалга ошириладиган жой (вилоят, туман, шаҳар) | Тошкент шаҳрининг Миробод, Яккасарой ва Мирзо Улугбек туманларидаги жойлашган 10 та кўчалар худуди ва рўйхати илова қилинади. |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI
DAVLAT-XUSUSIY SHERIKLIKNI RIVOJLANTIRISH AGENTLIGI
"REYESTRGA OLINDI"
22. 08. 2022 yil № DXSh/ 94-2022

## II. Дастлабки танлов натижалари

| |
|---|
| ДХШ лойиҳасининг дастлабки танлови натижалари ҳақидаги батафсил маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг. |
| Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раҳбарлигида 2020 йил 30 ноябрь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 96-сонли баёни 4-бандида Тошкент шаҳрининг 10 та марказий кўчасида йўл бўйи пуллик автомобиль тўхташ жойлари тармоғини 2021 йил 1 апрелдан тендер эълон қилган ҳолда давлат-хусусий шерикчилик асосида ташкил этиш |

### III. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсатгичлари

| | **Қўшимча маълумотлар** |
|---|---|
| 1. | Лойиҳанинг ЛБҲ/ТИА/ТИҲК мавжудлиги:<br>**Ха** ☒ Йўқ ☐ |
| 2. | Лойиҳа қўйидагилардан бирига киритилган бўлса:<br>**Инвестицион дастур** ☒<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 9-декабрдаги ПФ-5949-сонли Фармони;<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиеёвнинг 2020 йил 30 ноябрдаги кенгайтирилган тарзда ўтказилган 96-сонли йиғилиши баёни (Ўзбекистон Республикаси Президент Администрациясининг 2020 йил 15 декабрдаги 02-3546-сонли топшириғи);<br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 5-декабрдаги 990-сонли қарор. |
| 3. | Хусусий шерикнинг лойиҳани амалга ошириш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олишга рухсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиниши учун зарурати борми?<br>**Ха** ☒ Йўқ ☐<br>**Изоҳ:** Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент шаҳри марказий кўчаларида пулли автомобиль тўхташ жойларини ташкил этиш бўйича экспериментни амалга ошириш тўғрисида"ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, лойиҳанинг самарали ишлаши учун ушбу қарорни қабул қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. |
| 4. | Хусусий шерик лойиҳа доирасида кўрсатадиган якуний хизматларини тасвирлаб беринг:<br>Тошкент шаҳрининг марказий 10 та кўчасида 2251 дона автотранспорт воситаларини жойлаштириш қувватига эга бўлган йўл бўйи автомобилларнинг пуллик тўхташ жойлари тизимини барпо қилиш, Бунда:<br>Тизимнинг самарали ишлаши учун махсус электрон платформа (веб дастур ва мобиль дастурий таъминот) яратилади;<br>Тўловларни амалга ошириш учун 67 дона паркоматлар ўрнатилади;<br>10 та доимий мониторинг олиб бориш учун планшетлар ва 2 дона махсус жихозланган автотранспорт воситалари харид қилинади;<br>Жами 42 янги иш ўринлари яратилади (назоратчилар, ҳайдовчилар, операторлар ва б.);<br>Йўл бўйи автомобилларнинг пуллик тўхташ жойларида автомобилларни тартибли жойлаштириш учун қатнов қисмига йўл чизиқлари чизилиб, йўл белгилари ҳамда пуллик тўхташ жойи хизматлари жорий этилган жойга кириб келаётганлиги ҳақидаги ахборот белгилари ўрнатилади;<br>Шаҳар марказий кўчаларида тартибли жойлаштирилишини таъминлаш ва тирбандликларни камайтирилишига хизмат қилади;<br>Ҳайдовчиларнинг автотранспорт воситасини жойлаштириш учун жой излашга сарф этилаётган вақти камайтирилади; |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Йўл бўйи савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларининг савдо ва хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағларнинг ошишига олиб келади; | | | | |
| 5. | а) | Капитал қўйилмалари ва бошқа харажатлар суммаси (АҚШ долларида):<br>экв. 836 118 | б) | Эксплуатация харажатлари миқдори (АҚШ долларида): экв. 100 503 | в) Умумий харажатлар (АҚШ долларида):<br>экв. 936 621,0 |
| | г) | ДХШнинг амал қилиш муддати:<br>10 йил | д) | Лойиҳани амалга ошириш муддати:<br>8 ой | |
| 6. | а). | Лойиҳанинг даромад манбасини кўрсатинг:<br>**Фойдаланганлик учун тўлов** ☒<br>**Тўхташ қоидаларини бузганлик ва тўловларни амалга оширилмаганлик учун ундириладиган жарималар** ☒ | | | |
| | б). | Фойдаланганлик учун тўлов (сўм):<br>Бир соат тўхтаб туриш ҳақи – 3.000<br>Нотўғри тўхташ учун жарима – 490 000<br>Даромадлар тақсимотини кўрсатинг: 60% - давлат шеригига ва 40% - хусусий шерик (“KASY PARK” МЧЖ)га;<br>Жарималардан тушадиган пул маблағлари: 30% - давлат шеригига, 20% - Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига ва 50% - хусусий шерик (“KASY PARK” МЧЖ)га. | | | |
| 7. | в). | ДХШ лойиҳасининг ташаббускорини белгиланг:<br>Давлат ташаббускори □<br>**Хусусий ташаббускор** ☒ | | | |

| 8. | | Хусусий ва давлат шериги ўртасидаги хатарларни тақсимлашда таклиф қилинган ўзгаришларни белиланг. | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | **Хавф ёки хатарлар турлари** | Давлат шериги | Умумий | Хусусий шерик | Хатар тақсимоти асоси | Изоҳ |
| | Лойиҳага тегишли хавф-хатарлар | | | ● | | |
| | Дизайн ва технология эскириши | | | ● | | |
| | Яширин нуқсон хавфи | | | ● | | |
| | Ер сотиб олиш ва кўчириш билан боғлиқ бўлган хатарлар | ● | | | | |
| | Молиявий хатарлар | | | ● | | |
| | Қурилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлмаган) | ● | | | | |
| | Қурилиш билан боглиқ бўлган хатар (аниқ бўлган) | | | ● | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Ишга тушириш билан боглиқ бўлган хатарлар | | ● | | | |
| | Лойиҳа шартномаси тузилганидан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (давлат шериги тарафидан) | ● | | | | |
| | Лойиҳанинг суғуртасига оид хатарлар | | | ● | | |
| | Солиқ билан боғлиқ хатарлар | | ● | | | |
| | Тарифларнинг ўзгаришига боглиқ бўлган хатарлар | | ● | | | |
| | Лойиҳа шартномаси тузилганидан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (хусусий шерик тарафидан) | | | ● | | |
| | Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг лойиҳага салбий таъсири хатарлари | ● | | | | |
| | Лицензия, рухсатномалар кечикиши ёки берилмаслиги хатарлари | ● | | | | |
| | Хусусий шерикка келишилган тўловларни кечиктирилиши | ● | | | | |
| | Сиёсий беқарорлик хатарлари | ● | | | | |
| | Таъмирлаш ва реконструкцияга оид хатарлар | | | ● | | |
| | Мулк конфискацияси | ● | | | | |
| | Операцион хатарлар | | | ● | | |
| | Экологик/ижтимоий хатар (эксплуатация билан боглиқ) | | | ● | | |
| | Оператив фаолият билан боглиқ бўлган хатарлар | | | ● | | |
| | Талаб билан боглиқ бўлган хатарлар | | ● | | | |
| | Бошқа | | | | | |
| 9. | Ҳар бир босқич учун тахминий/режалаштирилган санани кўрсатинг: | | | | | |

| | | | Сана | | | Сана |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | а) | ДХШ лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш | 5 календарь куни мобайнида | д) | Музокаралар ва ДХШ тўғрисидаги битимни имзолаш | 10 календарь куни мобайнида |
| | б) | Лойиҳаолди ҳужжатларни ишлаб чиқиш | 10 календарь куни мобайнида | е) | Махсус лойиҳа компанияси ни (SPV) ташкил этиш. | Тендер натижаларига кўра, ҳорижий компания ғолиб деб топилган тақдирда талаб этилади. |
| | в) | Дастбалки малакани аниқлаш (агар қўллаш мумкин бўлса, малакани аниқлаш талабномаси асосида – Request for Qualification, RFQ) | Лойиҳанинг умумий қиймати 1 млн. АҚШ доллари экв. миқдорида белгиланлиги ва тендер савдоларини бир босқичда бўлиб ўтишини инобатга олиб, малакани аниқлаш талаблари талаб этилмайди. | ё) | Молиявий якунлаш | Заруриятга қараб |
| | г) | Ғолибни саралаш (Таклифларни топшириш талабномаси – Request for Proposals, RFP) | 30 календарь кунида | | | |
| 10 | Жорий ҳолатда аҳолидан ва/ёки давлат бюджетидан мазкур хизматларга ажратиладиган ялпи маблаг - Ҳозирги кунга қадар давлат бюджетидан бу мақсадларга пул маблағлари ажратилмаган. | | | | | |
| 11 | Ушбу лойиҳа давлат тарафидан амалга оширилганида, бюджетдан ажратиши кутилган тахминий маблаг – экв. 1 млн. АҚШ доллари. | | | | | |

| | |
|---|---|
| 12 | Агар ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида етказиб бериладиган товарлар (кўрсатиладиган ишлар/хизматлар) нархи давлат бюджетида белгиланган харажатлар сметасидан ошиб кетса, лойиҳани ДХШ механизми асосида амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаб беринг:<br>Йўл бўйи автомобилларнинг пуллик тўхташ жойларини ташкил этиш учун давлат томонидан амалга оширилган тақдирда, мазкур тизимга масъул бўлган алоҳида корхона ташкил этилиши, унинг моддий-техник базасини яратилиши, штат бирликлари ажратилиши, тизимни ишлаб туришини таъминлаш зарур бўлади. Буларнинг барчаси давлат бюджети хисобидан молиялаштирилиши керак бўлади. Натижада бюджетга ортиқча юклама тушишига олиб келади. |
| 13 | Ташаббус кўрсатилган лойиҳа иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни/муаммоларни ҳал этишга қаратилганми?<br>**Ҳа** ☒Йўқ □<br>- Шаҳар марказида автомобил оқими оптималлашади;<br>- Йўллардаги тирбандлик ҳолатларининг олди олинади;<br>- Йўллардаги автомобил ва кўчалардаги пиёдаларни ҳаракатланиш ҳавфсизлиги даражаси яхшиланади ва автоҳалокат сони камайтиради;<br>- Автомобил тўхташ жойини қидириш учун сарфланадиган вақт камаяди;<br>- Автомобилларни тратуарлар ва пиёдалар юриш жойларида қолдириш ҳолатлари камаяди;<br>- Келажакда, Тошкент шаҳринини ақлли шаҳар тизим комплексларига айланишидаги дастлабки қадам ҳисобланади;<br>- Шаҳарда бевосита янги 42 та иш ўрни яратилади;<br>- Йўлларда тирбандликни камайиши ва жой топишга камроқ вақт сарфланиши натижасида шаҳарда умумий иқтисодий самарадорлиги ортади;<br>- Шаҳар бюджетига лойиҳадаги улуши ҳисобига қўшимча даромад ва давлат бюджетига солиқ кўринишидаги кирим юзага келади;<br>- Давлат-хусусий шериклик шартномасида назарда тутилган 10 йиллик муддат тугагандан сўнг, “KASY PARK” МЧЖ ушбу лойиҳадан чиқиб кетади ва давлат шериги бепул ҳолатда тайер ишлаб турган ва самарали инфраструктурага эга бўлади. |
| 14 | Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида илгор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилганми?<br>**Ҳа** ☒ Йўқ □<br>Лойиҳа доирасида йўл бўйи автомобилларнинг пуллик тўхташ жойларининг Европадаги Париж, Лондон, Брюссель, Берлин, Прага, Варшава, Мадрид шаҳарларида ва МДҲ давлатларининг Москва, Алмаота, Бишкек шаҳарларида йўлга қўйилган тизимни ўрганиш асосида, мазкур тизимни Тошкент шаҳрида жорий этиш белгиланган.<br>Мазкур лойиҳа доирасида юқорида қайд этилган шаҳарларнинг тажриба ва технологияларини ҳамда илгор бошқарув тизимини қўллаган ҳолда амалиётга татбиқ этиш режаллаштирилган. |

| | |
|---|---|
| | Ушбу лойиҳа билан жорий этилаётган тизим биринчи кунидан бошлаб самарали ва узлуксиз ишлаши учун паркомат ишлаб чиқарувчи корхона томонидан ўқув-тренинг машғулотлари ташкил этилади, натижада маълум ходимлар замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлади.<br>Тошкент шаҳрида ва мамлакатимизда бу каби лойиҳалар ҳали умуман амалга оширилмаганлигини ҳисобга олинган ҳолда, чет эл тажрибасига асосланиш ва чет эллик мутахассисларни жалб қилиш назарда тутилмоқда. Мана шундай чет эллик мутахассисларни жалб этилиши орқали илгор бошқарув тизими, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги нормалари ва стандартлари бизнинг шароит учун биргаликда ишлаб чиқилади ва уларга риоя этишда лойиҳани бошланғич даврида мана шундай мутахассисларни ёрдами керак бўлади. |
| 15 | Ташаббус кўрсатилган лойиҳа инновацион ёндашувни ўз ичига олганми ва тарафлар учун мақбул бўлган мутаносиб нафни таъминлаб бера оладими?<br>**Ҳа** ☒ Йўқ □<br>Ўзбекистонда бу каби лойиҳалар бунгача амалга оширилмаган, лекин чет эл давлатларида бундай лойиҳа аллақачон амалиётга киритилган. Бу лойиҳани самарали ишлаши, мизожларга максимал қулай бўлиши учун бошқа шаҳарда қўлланилаётган энг илгор ёндашувлар асосида амалга оширилади. Йўл бўйи автомобилларнинг пуллик тўхташ жойларида автомобилларнинг жойлашиши, уларнинг тўхтаб туриши учун белгиланган тўловларнинг амалга оширилганлиги автоматик тарзда, инсон омилисиз назорат қилинади. Тўловлар автоматик тарзда паркоматлар воситасида нақд ёки нақд бўлмаган усулда амалга оширилади. Шунингдек, тўловларни мобил иловалардан фойдаланган ҳолда онлайн тарзда амалга ошириш имконияти яратилади. Ҳусусий шерик – “KASY PARK” МЧЖ томонидан ўз маблағлари ҳисобига йўл бўйи пуллик автомобиль тураргоҳлари ташкил этилаётган жойларда, пиёдалар, велосипед ва имконияти чекланган шахслар учун махсус йўлакчаларини барпо этиш, электромобиллар учун бепул қувватлаш ускуналари, кўкламзорлаштириш ишлари ва давлат-хусусий шериклик шартномасида назарда тутилган 10 йиллик муддат тугагандан сўнг, барча техник базани янгиланган ҳолда давлат шериги тассаруфига тақдим этади.<br>Буларнинг барчаси томонлар учун қулай шарт шароит яратилишига олиб келади |
| 16 | Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида автоматлаштирилган электрон ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни жорий этиш назарда тутилганми?<br>**Ҳа** ☒ Йўқ □<br>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:<br>Йўл бўйи автомобилларнинг пуллик тўхташ жойлари учун тўлов бир неча шаклда амалга оширилиши мумкин:<br>Паркоматлар ёрдамида нақд пул шаклида ва банк пластик карталар ҳамда транспорт карталари (АТТО) воситасида;<br>Мобил телефон орқали, бунда маҳсус мобил иловалар (тўлов тизимлари) орқали ва СМС ни малъум рақамга юбориш орқали;<br>Маҳсус WEB портал орқали;<br>Маҳаллий (Uzcard ва Humo) ва халқаро (MasterCard, Visa ва б.) тўлов карталари орқали. |

<table>
<tr><td>17</td><td colspan="3">Лойиҳани амалга ошириш учун ер участкасига зарурат борми?<br>**Ҳа** ☒ Йўқ □</td></tr>
<tr><td rowspan="2">18</td><td>а)</td><td colspan="2">Лойиҳани амалга ошириш натижасида ижтимоий муммоларни келиб чиқиш эҳтимоли мавжудми?<br>Ҳа □ **Йўқ** ☒</td></tr>
<tr><td>б)</td><td colspan="2">Лойиҳани амалга ошириш натижасида экологик муммоларни келиб чиқиш эҳтимоли мавжудми?<br>Ҳа □ **Йўқ** ☒</td></tr>
<tr><td>19</td><td colspan="3">Давлат шериги томонидан (ДХШ лойиҳаси доирасидан ташқари) амалга оширилиши зарур бўлган қўшимча иш харажатларини кўрсатинг:<br>Сув таъминоти объектларнини қуриш □<br>Газ таъминоти объектларини қуриш □<br>Электр таъминоти объектларини қуриш □<br>Кириш йўллари □<br>Транспорт боғланиши □<br>Бошқа □</td></tr>
<tr><td>20</td><td colspan="3">Манфаатдор томонларни санаб ўтинг:<br>- Давлат шерик;<br>- Хусусий шерик – “KASY PARK” МЧЖ;<br>- Аҳоли (Автомобил ҳайдовчилари, пиедалар, йўловчилар);<br>- Тадбиркорлик субъектлари.</td></tr>
<tr><td rowspan="3">21</td><td colspan="3">Давлат шериги томонидан лойиҳани амалга ошириш учун масъул этиб тайинланган шахс ҳақидаги маълумотларни тақдим этинг. Агарда имкони бўлса, лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ҳамда ДХШ лойиҳаси менежери, гуруҳ аъзоларининг лавозими ва мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам тақдим этинг.</td></tr>
<tr><td colspan="2">**Маъсул этиб тайинланган шахс**</td><td>Давлат шериги: Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Тошкент шаҳар транспорт бошқармаси</td></tr>
<tr><td colspan="2">Ф.И.О.:</td><td>Джураев Анвар Заппарович</td></tr>
<tr><td rowspan="3"></td><td colspan="2">Лавозими</td><td>Бошқарма бошлиғи</td></tr>
<tr><td colspan="2">Тел.:</td><td>+998 91 162 31 02</td></tr>
<tr><td colspan="2">Электрон почта манзили</td><td>a.djuraev@mintrans.uz</td></tr>
</table>